# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 60 (9.710) 2002 йил 24 май, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

❐ **«ТОШКЕНТ**-Шератон» меҳмонхонасида «Бехатар оналик» дастури доирасида ўтказилган аёллар соғлиғи, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бағишланган анжуманда шаҳримиздаги фаол хотин-қизлар, тиббиёт ходимлари иштирок этишди.

❐ **МИЛЛИЙ** матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ва Жаҳон банки вакиллари иштирокида ўтказилган йиғилиш хусусийлаштириш жараёнида инвесторларни мамлакатимизга кўпроқ жалб этиш масаласига бағишланди.

❐ **ТОШКЕНТ** тўқимачилик ва енгил саноат институтида Чехия мамлакатидан ташриф буюрган тўқимачилик саноати вакиллари иштирокида «Тўқимачилик маҳсулотларини пардозлаш муаммолари» мавзуида бўлиб ўтган семинарда хорижликлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари, бу соҳада ёш кадрлар малакасини ошириш чора-тадбирлари хусусида сўз борди.

❐ **«XXI АСР** кутубхонасини қандай тасаввур қиласиз?» Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида талабалар, кутубхона ходимлари иштирокида ўтказилган анжуман ана шундай номланди.

### КЎРГАЗМАЛАР




## «OGU—2002»

**Аввал хабар берганимиздек,**

**КЕЧА**

**шаҳримиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Нефть ва газ» — OGU — 2002 6-халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади. Уни Британиянинг ITE Group Plc ҳамда унинг Ўзбекистондаги шериги — Itesa-Osiyo компаниялари ҳамкорликда ташкил этишди.**

Ўзбекистоннинг нефть-газ тармоғини янада ривожлантириш, етакчи хорижий компанияларнинг юртимиз билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишига кўмаклашиш ва уларга муайян бозор билан танишиш имкониятини яратиш мақсадида уюштирилаётган мазкур кўргазмада 20 мамлакатнинг 35 дан ортиқ компаниялари фаол иштирок этмоқда. Шу соҳадаги Lukoil, Dresser-Rand, Seba, Zeppelin каби нуфузли компаниялар шулар жумласидандир. Кўргазмада энг замонавий, янги технологиялар асосида тайёрланган бурғулаш ускуналари, кабеллар, ҳаво ва газ компрессорлари, генераторлар, механизациялашган асбоблар, сейсмик асбоб-ускуналар, анализаторлар намойиш этилмоқда.

Шунингдек, кўргазма доирасида икки кун давомида нефть ва газ бўйича халқаро анжуман ҳам бўлиб ўтмоқда. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг ўн йиллик юбилейига бағишланган анжуман Осиёда ва нефть ҳамда газнинг глобал бозорида фаол иштирок этиш ниятидаги компаниялар учун муҳим воқеа бўлди.

OGU—2002 кўргазмаси бугун ўз ишини якунлайди.

**(Ўз мухбиримиз).**

**СУРАТДА:** кўргазмадан лавҳа.

**Сергей Любчич олган сурат.**

## «ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ — 2002»

**Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театрида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан ташкил этилган «Йил ўқитувчиси — 2002» кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

## ИРОДАХОН танлов ғолиби

Уч босқичдан иборат мазкур танлов ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Биринчи босқич шаҳримиз мактабларида ўтказилиб, унинг ғолиблари туман танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганлар ва ўн бир туманнинг қатнашчиларидан сараланган олти нафар ғолиб ўқитувчилар шаҳар босқичига чиқдилар.

Ўз соҳаларининг билимдонлари, зукко ва ҳозиржавоб ўқитувчилар ушбу кўрикда учта шарт бўйича беллашдилар. Ҳар бир шартни қатнашчилар ўқувчилар ёрдамида жуда чиройли, қизиқарли ва меҳр-муҳаббат-la бажардилар. Танлов иштирокчиларининг барчаси ўз билим-маҳоратлари, юксак даражадаги педагоглик тажрибаларини, аёллик нафосатларини аъло даражада намойиш этдилар. Нуфузли ҳайъат аъзолари 5 балли тизимга асосланиб, қатнашчиларнинг билимларини муносиб баҳолаб бордилар.

Кўрик-танловда Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактабнинг бошланғич синф муаллимаси Иродахон Ҳамидова энг юқори балл тўплаб, биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ўрин Собир Раҳимов туманидаги 234-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Муборакхон Ғаниевага насиб этди. Учинчи ўринни эса Ҳамза туманидаги 307-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Карина Арутюнова қўлга киритди.

**(Ўз мухбиримиз)**



**СУРАТДА:** танлов ғолибаси Иродахон Ҳамидова.

**Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.**

## Сўнгги қўнғироқ

*Мана ўқув йили ҳам якунланяпти. Ўқувчиларнинг қалбида ҳам қувонч, ҳам ҳаяжон, айниқса битирувчи ёшларнинг юракларида эса аллақандай бир энтикиш... Улар қадрдон маскан, азиз устозларию беғубор болалик билан хайрлашиб, янги ҳаёт сари қадам қўймоқдалар.*

**ЭРТАГА**

шаҳримиздаги 315 та умумий таълим мактабларида навбатдаги ўқув йили тугаганлиги, куйи синф ўқувчилари учун ёзги таътил ва битирувчилар учун давлат якуний аттестацияси бошланганлигидан хабар берувчи сўнгги қўнғироқ жаранглайди. Бу йилги «Сўнгги қўнғироқ» тантаналари Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги ҳамда Қарияларни қадрлаш йилига бағишланиб, халқ таълими соҳасида ўн бир йил ичида эришилган ютуқлар, ўзгаришлар чиройли саҳна кўринишларда намойиш қилиниши мўлжалланган. Жорий йилда 2655 ёш мактабларнинг ўн биринчи синфини, 39 мингдан зиёд ёшлар эса тўққизинчи синфни битирадилар. Шуниси диққатга сазоворки, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ шаҳар ҳокимлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли битирувчиларнинг касб ва билимларни чуқур эгаллашлари учун ҳам шарт-шароитлар яратилган.



«Сўнгги қўнғироқ» тадбирлари шаҳар ва туманларнинг ҳокимликлари, маҳалла қўмиталари вакиллари иштирокида ўтказилиб, якунланган ўқув йили сарҳисоб қилинади. Битирувчи ёшларга энг эзгу тилаклар, дил изҳорлари билдирилади. Уларнинг ҳаётда билимли, қатъиятли, фаол, Мустақил Ўзбекистонимизнинг баркамол, меҳнатсевар ёшлари қаторидан ўрин олишларига ишончимиз комил.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ФУТБОЛ Сафардаги ажойиб ғалаба

**КЕЧА**

**Қаршида ўтказилган «Насаф» — «Пахтакор» учрашуви билан Ўзбекистон Кубоги ярим финал баҳсларининг биринчи ўйинлари ниҳоясига етди.**

Кескин, муросасиз, хавфли вазиятларга бой тарзда кечган ушбу ўйинда меҳмонлар жамоасининг устунлиги сезилиб турди. Ва учрашув 5:1 ҳисобида тошкентликларнинг ажойиб ғалабаси билан якунланди. Дарвозаларга голларни Ботир Қораев («Насаф») ўз дарвозасига, Шуҳрат Раҳмонқулов («Насаф»), Гочкули Гочкулиев, Темур Копадзе, Зайниддин Тожиев, Александр Гейнрих («Пахтакор»)лар йўллашди

Бир кун аввал бўлиб ўтган «Қизилқум»— «Нефтчи» учрашувида 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Кубок баҳслари ярим финалнинг жавоб беллашувлари 26 июнда ўтказилади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида Экстрадиция тўғрисидаги икки томонлама шартноманинг ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протокол имзоланди.

● Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуида бўлиб ўтган Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлисида ўтган йили болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш якунлари ҳамда 2002 йил мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни талаблар даражасида ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

● Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси Тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● **Кеча** Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг мажлислар залида мазкур марказ, Дин ишлари бўйича қўмита, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳамда Германиянинг Фредрих Эберт номли жамғармаси ҳамкорлигида «Конфессияларaro мулоқот — бағрикенглик асоси» номли семинар ва фуқаролик форуми доирасида «Жамиятда диннинг ўрни» мавзуида қўшма давра суҳбати ўтказилди.

● Бухоро минтақавий стандартлаштириш, метеорология, сертификатлаш марказида газ ўлчагичларни намунавий қиёслаш лабораторияси ишга тушди.

● **Кеча** Онкология ва радиология институтида беморларни текшириш самарадорлиги ва сифатини ошириш имконини берадиган янги радиология корпуси очилди. Янги корпуснинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов ва Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов қатнашди.

● **Кеча** Андижонда сил хасталиги олдини олиш ва даволашнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференция очилди.

● **Бугун** Наманган шаҳрида анъанавий машрабхонлик анжумани бўлиб ўтмоқда. Бобораҳим Машраб ижодига бағишланган илмий-назарий мажлис ҳам шу тадбирга бағишланди.

**Бугун** Ўзбекистон Давлат консерваториясида атоқли композитор — Ўзбекистон халқ артисти Мутал Бурхонов ижодига бағишланган мусиқа оқшоми ўтказилади.

● **Индинга** Бухорода Ўзбекистон ёшларининг яна бир спорт байрами — аҳиллик ва дўстлик, эпчиллик ва чаққонлик, мардлик ва жасурлик кўриги — «Универсиада — 2002»нинг тантанали очилиш маросими бўлади.

**Бугун** ана шу ўйинларнинг қуёшдан нур олган машъаласи Паркентдан Бухоро томон йўлга чиқди ва шаҳримизнинг Бектемир ҳамда Сергели туманларидан ўтди.

● **Бугун** республикамиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турди, сониясига 5-10 метр тезликда шамол эсиб, ҳарорат 28-30 даражани ташкил этди. Бугун кечаси ҳароратнинг 15-17 даража, эртага кундузи 30-32 даража бўлиши кутилмоқда.

### Жаҳонда

● Франциянинг Страсбург шаҳрида «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги қўмитасининг учинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

● **Бугун** Москвада Россия ва АҚШ Президентлари Владимир Путин ва Жорж Буш ўртасидаги музокаралар бошланди.

● Исроил парламенти (Кнессет) давлат бюджети харажатларини қисқартириш бўйича қонун лойиҳасини қабул қилди.

●Непал қироли Гьянендра мамлакат Бош вазири Шер Баҳодир Дуеба мурожаатига биноан парламентнинг қуйи палатасини тарқатиб юборди.

● Ҳиндистон Бош вазири Атал Важпаи Кашмирдаги Покистон билан чегара ҳудудга келиб ўз аскарлари билан учрашди.

● АҚШ Югославияга иқтисодий ёрдамини «музлатиб» туриш қарор қилди. Бу ҳақда АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл Сербия Бош вазири Зоран Жинжич билан учрашгач, баёнот берди.

● Россиянинг Самара шаҳрида ниҳоясига етган рус шашкаси бўйича VIII жаҳон чемпионатида тошкентлик гроссмейстер Николай Мишчанский бронза медалини қўлга киритди.

● **Индинга** табиат ҳодисаларидан бири — Ой тутилиши кутилмоқда.

**Бугунги кунда барча олий ўқув юртларида хотин-қизлар қўмиталари томонидан кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Аёл — жамият таянчи, хонадонларимиз фариштаси. Шундай экан хотин-қизларнинг оилада, жамиятда тутган ўрни, уларнинг маънавиятини янада ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида бизга Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг хотин-қизлар қўмитаси раиси Лаълихон Муҳаммаджонова қуйидагиларни гапириб берди.**

ҲАЁТИМИЗ КЎРКИ, МАЗМУНИ...

## Кенг қамровдаги фаолият

— Жамиятни аёлларсиз тасаввур этиб бўлмайди. У нафақат она сифатида, балки мўътабар касблар соҳибаси сифатида ҳам доимо ардоқланади. Оилани кичик бир жамият сифатида олиб қарайдиган бўлсак, унинг бошқарувчиси эркак бўлса, йўналтирувчи куч аёл ҳисобланади. Ҳадиси шарифда айтилганидек, «Жаннат оналар оёғи остидадир». Шундай экан, оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файз-барака киритадиган ҳам, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик билан йўғрилтирадиган ҳам аслида шу мунис аёлларимиздир.

Университетимизда ҳам шундай мунис аёлларнинг 1000 дан зиёди профессор-ўқитувчи ва техник ходимлар вазифаларида фаолият кўрсатмоқдалар. Улар нафақат ўз ишининг мутахассиси, шу билан бирга фаол жамоатчилардир. Масалан, профессорлар Раҳбар Муртазоева, Тўрахон Раҳимова, Мамлакат Бўриевалар шулар жумласидандир.

Университет хотин-қизлар қўмитаси ҳар бир факультетнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда махсус режалар асосида иш олиб боради.

Бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири аёлларимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишдан иборатдир. Жумладан «Муҳаббатнинг саройи кенг экан аммо...» мавзусида ўтказилган тадбирда турли соҳа мутахассислари, яъни ҳуқуқшунослар, Ички ишлар вазирлигининг ходимлари қатнашдилар. Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро хотин-қизлар жамғармаси (ЮНИФЕМ) билан ҳамкорликда университетимиз профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари билан учрашув бўлиб ўтди. ЮНИФЕМ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири хотин-қизларни ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги ўрнини белгилашдан иборат эканлиги ҳақида фикрлар ўртоқлашилди. Шу билан бир қаторда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан бугунги кунда биз билан бир сафда хизмат қилаётган фахрий аёлларимизга совғалар улашилди. Шунингдек, «ЎзМу маликаси» кўрик-танлови ўтказилиб, унда география факультетининг талабаси Юлдуз Умарова ғолиб чиқди. Булардан ташқари «Аёл — она, мураббий, раҳбар» мавзусида республикамиздаги таниқли олималар, жамоат арбоблари ва раҳбар аёллар билан учрашув ўтказиш мўлжалланган.

Хулоса қилиб айтганда, университетда ўтказилаётган барча тадбирлар аёлларимиз ҳамда қизларимизнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

**Гулором ҲАМИДОВА**
**ёзиб олди.**

**БЕКА**

## Маслаҳатлар

● Ёғ ҳамда мойдан тахир таъмни йўқотиш учун унга тўғралган пиёз, бир бурда нон ёки картошка қўшиб қиздирилади.

● Сариёғ эритилганда қорайиб кетмаслиги учун қизиган товага ўсимлик мойи суртиш керак.

● Одатда янги оёқ кийимнинг таги сирпанчиқ бўлади. Бунинг олдини олиш учун оёқ кийимнинг тагига қумқоғоз суртинг.

● Дур ўз чиройини йўқотмаслиги учун тақинчоқларингиз турадиган қутичага бир нечта гуруч доналарини солиб қўйинг. Шунда дурингиз ўз чиройини йўқотмайди.

● Сметанага озгина сут қўшилса, шўрва, қайла каби овқатларга ишлатганда чириб кетмайди.

● Сузма ва пишлоқни янгилигича сақлаш учун намакобга ҳўлланган латтага ўраб қўйиш керак.

● Кастрюлга бир неча дона оқ қанд солинса, сут тез қайнайди ва тагига олмайди.

● Агар тухум пўчоғини майдалаб, у билан оғзи ингичка бўлган идишларни ювсангиз, яроқлаб кетади.

**(Ўз мухбиримиз)**

МУЛОҲАЗА

## Сиз бахтлимисиз?

**Аёл табиатнинг энг нозик ва назокатли хилқати ҳисобланади. Аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз бизнинг халқимиз учун ибратли меросдир. Инсон, оила, жамият, аёл тушунчаларини бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.**

**Оилага файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар айлайдиган зотлар — Аёллар. Аёллар — оилани, жамиятимизни бирлаштириб, улардаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб туради.**

**Бугун биз жамиятимизнинг бир нечта етакчи аёлларига «Аёл бахти нимада?», «Бахтга қандай эришиш мумкин?» каби саволлар билан мурожаат қилдик.**

**● Насиба ИБРОҲИМОВА,**
**Ўзбекистон Давлат санъат музейи директори:**

— Мустақиллик туфайли маънавиятимиз янгича мазмун билан бойиди. Маънавий-маърифий ҳаётимизда янги, муҳим масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Аёл бахти оила тинчлиги-ю болалари саломатлигида. У фарзандлари бахтида ўз бахтини кўради. Аввало аёл ўзи ҳалол бўлмоғи ва фарзандларини ҳам ҳалолликка ўргатмоғи лозим деб ҳисоблайман. Бахти боқий бўлишини истаган аёл ҳар нарсада, ҳар қандай шароитда меъёрни билмоғи керак. Аёл бахтини ўзи яратади деб ўйлайман. Академик шоиримиз Ғафур Ғулом айтганларидек:

**Тақдирни қўл билан яратур одам,**
**Ғойибдан келажак бахт бу афсона.**

**● Зумрад ИНОҒОМЖОНОВА,**
**юридик фанлари номзоди, доцент, Тошкент Давлат юридик институтининг кафедра мудири:**

— Истиқлолга эришганимиздан кейин юртимизда аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг бахту саодатини сарбаланд қилиш, инсонлик номини улуғлаш борасида давлат аҳамиятига молик ишлар қилиняпти, тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аёл бахтини унинг оилада тутган мавқеидан ажратиш қийин. Тенг ҳуқуқли умр йўлдоши олдидаги, жамиятдаги, яъни аёлнинг иш ўрнидаги, яшаш жойи ва қариндош-уруғлари орасидаги мавқеидан ҳам ажратиш қийин деб ўйлайман.

Менимча, аёлнинг бахти оиласининг тинч-хотиржамлиги-ю унга бўлган эътиборни ташкил этади. Аёл бунга фидойилиги, тинимсиз меҳнати ва меҳр-муҳаббати билан эришиши мумкин.

**● Зуҳра САЙДАМИНОВА,**
**«Зуҳро» фирмасининг бош директори:**

— Аёллари тадбиркор юрт бадавлат бўлади. Ҳадисларда ҳам «Турмуш дунёсида уқувли аёллар рўзғорга қут-барака киритишда эрларига ёрдам бермоқлари даркор» деб айтиб ўтилган. Турли соҳаларда фаолият юритаётган аёллар орамизда анчагина.

Аёл ҳаётда бахтли бўлиш учун энг биринчи навбатда фарзандларининг таълим-тарбиясига асосий эътиборини қаратиши лозим. Аёлнинг бахти тўла-тўкис бўлиши унинг ўзи хоҳлаган ишини юрита олишига ҳам, яъни фақат оиладагина эмас, балки жамиятдаги эгаллаган ўрнига ҳам боғлиқ деб ўйлайман. Аёлнинг ўзига хос хусусияти унинг ўта масъулиятлилиги, табиатан қийинчиликлардан қўрқмаслигида. Бирор нохушлик юз берганда аёл сабабини ўзидан излаши керак. Аёл гўзаллик тимсоли бўлиши билан бирга, у ўзининг соғлигига эътиборли бўлмоғи шарт деб ҳисоблайман.

Оилада эр-хотин масъулиятни тенг бўлиши, лекин асло топиш-тутишига қараб мавқе белгиланмаслиги муҳим. Чунки ота-она ўртасидаги муносабат фарзандлар тарбиясида муносиб ўрин эгаллайди.

**Миллатнинг жон-томири**
**Сен Ватанга тимсолсан,**
**Юртнинг ўчмас чироғи**
**Момо Ҳаво — Аёлсан.**

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**



*Дугоналар.* *Тоҳир Нигматуллин олган сурат.*

☑ ТАДБИРЛАР

## Барҳаёт анъаналар

**Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан яратиб келинган бебаҳо маданий-маънавий меросни тиклаш ва эъзозлаш муҳим вазифа бўлиб қолди.**

Айни кунларда шаҳримизнинг барча туманларида «Барҳаёт анъаналар» деб номланган кўрик-танлов қизғин давом этмоқда. Жумладан, куни кеча Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ҳам ушбу танлов ғоят мароқли ва қизиқарли ўтказилди. Унда Яккасарой туманидаги маҳаллалар хотин-қизлари ҳамда университет талаба қизлари қатнашиб, миллий қадриятларимизни акс эттирувчи халқ фольклор қўшиқ ва лапарларини маҳорат билан ижро этдилар. Иштирокчилар танловнинг энг яхши алла, энг яхши ёр-ёр, энг яхши миллий либос, энг яхши она образи, фольклор санъати ҳақидаги энг тўлиқ жавоб берган жамоа каби шартлари бўйича беллашиб, умуминсоний қадриятларимизга бўлган ҳурматларини намоён этдилар. Танлов сўнгида ғолибалар аниқланди. Энг яхши ижро соҳиби «Аллон» маҳалласидан Ҳалима ая, энг яхши ёр-ёр ижрочиси университет талабаси Назира Умарова, энг яхши алла ижрочиси талаба Ўғилой Тўраева, энг яхши фольклор ўйин учун Садоқат Отажоновалар ижролари муносиб баҳоланди. Ғолибларга ҳомийлар томонидан муносиб совғалар топширилди.

— Барҳаёт анъаналар кўрик-танловини ўтказишдан асосий мақсад, — дейди Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг маънавият ва маърифат бўйича проректор Абдуғаффор Қирғизбоев. — Халқимизнинг энг қадимги қадриятлари, урф-одатлари, удумлари, фольклор санъатини янада ривожлантириш, келажагимиз ворислари бўлган ёшлар қалбига халқ ижодиётини сингдиришдан иборатдир.

**Дилором ИКРОМОВА**

# Сўранг, жавоб берамиз



*Мен 1997 йил оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинган эдим. Ўтган йиллар мен учун аччиқ сабоқ бўлди. Ҳаёт тарзимни бутунлай ўзгартирдим, болаларимни ўзим тарбияламоқчиман. Айтингчи ота-оналик ҳуқуқини қайта тиклаш мумкинми?*

*М.Дониёров.*

Ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини, турмуш тарзини ва бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан суд тартибида амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг, шунингдек прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади.

Ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвоси билан бирга болани ота-онага (улардан бирига) қайтариш тўғрисидаги талаби ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Агар ота-оналик ҳуқуқининг тикланиши бола манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантиришни рад қилишга ҳақлидир.

Ўн ёшга тўлган болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқининг тикланишига фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Бола фарзандликка олинган ва фарзандликка олиш бекор қилинмаган бўлса, ота-оналик ҳуқуқини тиклашга йўл қўйилмайди.

* * *

*Мен ногиронлик пенсиясини олардим. Лекин яқинда пенсия келмай қолди. Бунинг сабабини суриштириб борсам, тиббий меҳнат эксперт комиссияси кўригидан ўтиш муддати келган экан. Менинг эса ёдимдан кўтарилибди. Энди мен нима қилишим керак?*

*У.Самадов.*

Сиз узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда қайта кўрикдан ўтиш учун ТМЭКка бормаган бўлсангиз, пенсия тўлови тўхтатиб қўйилгани тўғри. Агар сиз ТМЭКдан қайта кўрикдан ўтсангиз ва ногирон деб тан олинсангиз пенсия тўхтатиб қўйилган кундан, лекин кўпи билан ўтган бир ойдан бошлаб пенсия тўлаш давом эттирилади.

Тиббий кўрикдан ўтиш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилганда, ТМЭК ўша шахсни ана шу даврда ногирон бўлган деб топса, пенсия тўлови тўхтатиб қўйилган кундан бошлаб то қайта кўрикдан ўтиш кунигача, лекин кўпи билан ўтган уч йил учун давом эттирилади. Агар ногирон қайта кўрикдан ўтганида унга ногиронликнинг бошқа гуруҳи белгиланса, пенсия кўрсатиб ўтилган вақт учун аввалги гуруҳ бўйича тўланади.

* * *

*Фарзандларимнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини йўқотиб қўйдик. Бу ҳужжатнинг қайта нусхасини олиш учун қаерга мурожаат қилсам бўлади?*

*У.Ҳасанова.*

Фарзандингизнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани қайси тумандаги ФҲДЁ(ЗАГС) бўлимидан олган бўлсангиз шу туман ФҲДЁ бўлимига ариза билан мурожаат қилинг. У ердан сизга гувоҳноманинг қайта нусхасини беришади.

* * *

*Баъзан фалончига қарз берувдим, тониб кетди, қайтармади деган гапларни эшитиб қоламиз. Бировга қарз бераётганда қандай қонун-қоидаларга амал қилиш лозим? Шу тўғрида маълумот берсангиз.*

*Г.Эркулова.*

Қарз бериш ва олишда ҳам қонунга мурожаат этиб, тегишли мутахассис билан маслаҳатлашсангиз, баъзан кейинчалик келиб чиқадиган кўнгилсизликларнинг олдини олган бўласиз. Ўзбекистон фуқаролик Кодексининг 108-моддасида қайд этилишича, фуқаролар ўртасидаги олди-бердилар белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ миқдорга етса, битимлар ёзма шаклда тузилиши керак. Қонунда белгиланишича, қарз қанча бўлишидан қатъи назар, оддий ёзма шакл (тилхат) ҳам талаб қилинади.

Қарз берганлигини тасдиқловчи тилхат ёки бошқа далилий исбот йўқ бўлса, қарз берган шахснинг қарзини ундириш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилмайди. Қарз фоиз эвазига берилган бўлса, бу келишув ҳам тилхатда қайд этилиши лозим. Қонунга амал қилиш эса — олий маданият белгисидир.

**Жавоблар Юнусобод туман 6-Давлат нотариал идораси нотариуси Икромжон ИСМОИЛОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 136-55-83 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

### Сирли суҳбат

Ишга ўрганган одам кексайган чоғида ҳам уйда тиниб-тинчиб ўтира олмас экан-да. Шу боис бўш қолдим дегунча ғайратим жўшиб бирон бир юмушга уннаб кетаман. Ёки ҳеч бўлмаса шаҳар кезиб одамлар билан суҳбатлашаман. Шундай дамларнинг бирида автобусда бораётиб қайсидир лицейда таълим олаётган икки ўқувчининг тубандаги сирли суҳбатига гувоҳи бўлдим.

— Аҳмаджон қалай, имтиҳонга яхши тайёрландингми?

— Унчалик эмас.

— Нима, бошқа юмушларинг кўпайиб кетдими?

— Йўқ, кеча олдимиздаги билярдхонага кирган эдим ўйинга берилиб ўша ерда кечгача қолиб кетибман.

— Чатоқ бўпти-ку. Энди имтиҳондан ўтолмай қолсанг нима қиласан?

— Хавотир олма, йўли бор. Ўқитувчимизга иккита беш юзталикни китоб орасига қўйиб узатсам олам гулистон. Имтиҳондан аъло ўтиб турибман. Олдинги гал ҳам шундай қилган эдим.

Ёшларнинг суҳбатини тинглай туриб беихтиёр ўзимнинг ёшлигим, гўринг нурга тўлгур биринчи ўқитувчимиз Домла отани (биз уни шундай деб атардик) эслаб кетдим.

Ўшанда урушнинг энг оғир йиллари эди. Бир куни Саидвали исмли синфдошимиз дарсга сабабсиз келмай қолди. Домла ота йўқлама қила туриб, Саидвалининг нима сабабли дарсга келмаганини биздан сўраб-суриштирди. Шунда кимдир унинг оёқ кийими йўқлиги, ночорлиги сабабли дарс қолдирганини айтди. Домла ота бироз ўйланиб қолди. Кейин «узрли сабаб экан, майли», деб қўйди оҳиста.

Эртасига барвақт Саидвали оғзи қулоғида мактаб ҳовлисига кириб келди. Унинг хурсандчилиги боисини билмай ҳаммамиз ҳайрон эдик. Кутилмаганда болалардан бири:

— Ботинканг муборак бўлсин, — деб қолди.

Қарасак Саидвалининг оёғида яп-янги ботинка ялтираб турарди. Ҳаммамиз унга ҳавас билан тикилиб беихтиёр болаларча: «Вой- бу мунча чиройлик экан» деб юбордик.

Кейин билсак бу Домла отамизнинг иши экан. У ўз ёнидан харж қилиб, оиласи ночор Саидвалига янги оёқ кийими сотиб олиб, уйига элтиб берган экан. Биринчи ўқитувчимизнинг мана шу яхшилиги мурғак қалбимизга жойлашиб қолган экан, шекилли ҳали-ҳали синфдошлар бирор сабаб билан тўпланишиб қолсак дарҳол ўша воқеани эслаймиз. Мана буни чинакам одамийлик, ўз ўқувчиларига куюнчак, уларни жони дилидан севадиган, ҳаёт мазмунини ўшалар билан чамбарчас боғлаган меҳрибон мураббий деса бўлади.

Ўқувчиларнинг билимига қараб эмас, балки ҳамёнини кўриб баҳолайдиган ўқитувчидан эса нимани кутиш мумкин? У келажакда талабалари қалбида қандай из қолдиради? Ахир шу ўқувчилар орасида келгусида замонамизнинг машҳур кишилари қаторидан жой оладиган алломалар йўқ деб ўйлайсизми? Борлигига ишончимиз комил. Ўшанда улар бу таъмагир мураббийларининг қилмишини қандай эслашаркин? Бундай саволлар олдида ҳар қандай кишининг ҳам ақли лол қолади. Аслида биз эмас, балки ножўя қилмишлари билан ўз ҳамкасбларига соя ташлаб, ўқитувчи деган олий мартабали номга доғ туширибюрган юқоридаги каби баъзи чала муллалар бу саволларга жавоб изласалар, яхшироқ бўларди.

### Кўнгил гулдан нозик

Инсон кўнгли гулдек нозик-да. Бир оғиз сўз билан кайфияти кўтарилиши, аксинча бир оғиз сўз ила кўнгли чўкиб кетиши мумкин. Яқинда бир оилада ўзим шоҳиди бўлган воқеа бунинг мисоли бўла олади.

Фозилжон ишга шошилиб уй остонасидан чиқаётганида хотини заҳрини сочди.

— Иш ўлсин. Шошилганингиз шошилган. Ҳой, сиз ҳам бундоқ эркакларга ўхшаб рўзғорда нима бор-йўқлигини суриштирасизми ўзи? Неча кундан бери уйда гўшт йўқ. Бир парча гўштни авайлаб-асраб бир ҳафтага етказдим. У ҳам бугун тамом бўлди. Кечқурун қайтишингизда гўшт олиб келинг.

Зебохон шундай дея қўлидаги халтани эри томон улоқтирди. Фозилжон ҳайрат билан хотинига тикилди. Нима жин урди уни? Эрталабдан тўнини тескари кийиб олди. Шу дамда бирор аччиқ-қуруқ сўз айтиб узиб олгиси келса-да тилини тийди. Ловиллаган керосинга сув сепса баттар авж олишини билди. Жавоб ўрнига оёғи остида эркаланиб ўйноқлаб юрган лайча итини жаҳл билан бир тепиб учириб юборди-да, индамай кўчага чиқди.

Йўлда ким билан учрашди, саломлашди, билмайди. Бир вақт ўзига келиб қараса ишхонаси йўлагида турибди.

Ҳар доим хушчақчақ юрадиган устанинг руҳияти пастлигидан шогирдлари ҳайрон. Унинг устига устаси тушмагур ҳали у шогирдига, ҳали бунисига танбеҳ беради. У ҳатто тушликка ҳам чиқмади. Энг яқинларидан бири унга мулозимат кўрсатиб балога қолди.

— Қулоқ борми ўзи, тушлик қилмайман дедимми, тамом-вассалом.

Хуллас кечгача ишдаги кўнгилсизлик давом этди. Иш вақтини тугаллаб у билан хайрлашаётган шогирдларига ҳам чурқ этиб оғиз очмади уста. Охирида эранг-қаранг уйига қайтаркан бирдан хотини Зебохоннинг буюртмасини эслади. Хаёл билан бўлиб бозор боришни ҳам унутибди. Орқага қайтай деса анча йўл. Бор-ей нима бўлса бўлди дедию, ҳовлисига кириб бораверди. Фозилжон остона ҳатлаши билан хотини гулгун яшнаб истиқболига югуриб чиқди.

— Ассалому алайкум, адажониси, ҳорманг, чарчамайгина яхши келдингизми?

Аёлининг бу мулозаматидан Фозилжон ҳайрон. Нима бўлди унга. Эрталаб хуфтон эди, кечқурун ўз-ўзидан чароғон. Ширин таом устида Зебохон эрига нозланиб деди:

— Адажониси ишқилиб сизни хафа қилиб қўймадимми, менгина ўла қолай, эрталаб ўйламай-нетмай...

Ортиқча сўзга ўрин йўқ эди. Мана шунинг ўзи кифоя. Бир оғиз ширин сўз Фозилжоннинг кайфиятини бутунлай кўтариб, орадаги ғуборни тарқатиб юборди. Шу дамда унинг хотинига бўлган меҳри жуда-жуда тобланиб кетди.

Қиссадан қандай хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола азизлар!

# «02»: ҲОДИСАЛАР

◆ Бирор жойда ҳалол меҳнат қилишни ўзига эп билмайдиган Шайхонтоҳур тумани, Фаробий кўчасида яшовчи С.Одил исмли кимса амалга оширган қалтис хатти-ҳаракати туфайли милиция ходимларининг қўлига тушди. У Шофайз кўчасида жойлашган хусусий дўконнинг эшикларини калит танлаш йўли билан очиб кириб, «Норд» русумли музлатгич ва «Семурғ» телевизорини ўғирлаб кетган эди. Қилмиши ўз исботини топганидан сўнг, айбига иқрор бўлган жиноятчининг энди пушаймон бўлишидан фойда йўқ.

◆ Шайхонтоҳур туманидаги «Чорсу» бозорининг кийим-кечаклар растасида савдо қилаётган Шифокорлар шаҳарчасида яшовчи тадбиркор Ё.Йўлдошева ўзининг сотувдаги «Алкател» уяли телефон аппаратини номаълум шахслар томонидан ўғирланганлигини пайқамай қолди. Натижада боши қотган жабрланувчи милицияга хабар беришга қарор қилди. Туман ИИБ ходимларидан иборат тезкор гуруҳ вакиллари қисқа фурсат ичида ўғрини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Шундай қилиб, Бинокор кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган М.Комил ўғирлаган матоҳни қайтариб, қилмишига яраша жазо олишга мажбур бўлди.

◆ Юнусобод тумани ИИБ Навбатчилик қисмига талончилик жиноятини содир этган мактаб ўқувчиси милиция ходимлари томонидан ушланиб, олиб келинди. Маълум бўлишича, 80-мактабда таҳсил оладиган Б.Соҳиб Киёт даҳасидан ўтаётиб, 71-уйда истиқомат қилувчи К.Зияеванинг қулоқларидаги нархи 138000 сўмлик зиракларини юлиб олиб, қочиб кетган экан. У ана шу қалтис ҳаракати билан аввало ўзининг яқинлари ҳамда мактабининг шаънига доғ туширишимумкинлигини ҳеч ўйламаган кўринади.

◆ Жамиятимизнинг энг хавфли иллатларидан саналган фирибгарликни ўзига «касб» қилиб олган айрим кимсалар, унинг ортидан мўмайгина даромадни кўзлайдилар. Осонгина, бели оғримасдан топган пул-давлатлари асло буюрмаслигини ўйламайдилар ҳам. Чилонзор туманининг Гулзор кўчасида истиқомат қилувчи А.Алижон ҳам шундайлар тоифасидан экан. У «Отчопар» бозорида Оқ йўл кўчасида яшовчи тадбиркорлик билан шуғулланувчи Я.Содиқовни «Контейнер олиб бераман» деб алдаб, унинг 700000 сўм пулини эгаллаб, қайтариб бермай, ваъдасининг устидан чиқмай қочиб юрган. Оқибатда, ишончи суиистеъмол қилинган жабрланувчининг ички ишлар ходимларига мурожаат этишдан ўзга иложи қолмаган. Тезкор гуруҳ ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли ушбу фирибгарнинг қилмиши фош этилди.

◆ Мирobod тумани, Чехов кўчасидаги Шарқ тиллари лицейи олдидан ўтиб бораётган ушбу ўқув даргоҳининг талабаси Ж.Ҳошимов, қаршисида тўсатдан пайдо бўлиб қолган нотаниш кимсаларнинг қўлидан ҳангу манг бўлиб қолди. Улар куч ишлатиб, ўсмирнинг қўлларини орқасига қайирдилар-да, бармоғидаги тилла узукни юлиб олиб, кўздан ғойиб бўлдилар. Туман ИИБ ходимларининг кўрган чора-тадбирларидан сўнг, ушбу жиноятни содир этган икки талончи қўлга олинди. Аниқланишича, иккаласи ҳам бирон жойда ишламайдиган, шу туманда яшовчилар Д.Игорь ва Ю.Рафиқлар экан. Бу тоғни урса талқон қиладиган йигитлар, бугун қилмишларидан қаттиқ афсус-надомат чекмоқдалар.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази нозири.**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Ҳаё — иффат — йўқолмас ҳусн

● Абу Али ибн Сино айтади:

— Инсонда доим турадиган ҳусн ва латофат-ҳаё ила иффатдир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидур.

● Суқрот ҳаким дейди:

— Хотинларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганларидир.

● Ҳаё дилни равшан қиладурган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир. Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир.

● Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас. Бу чодир шундай муборакдирким, анчамунча шундай хатоларни беркитиб йўқ қилур.

Байт:

**Дурга садаф бўлмаса парда-ю**
**либос,**
**Қатра сувга қўшилиб кетарди**
**ҳалос.**

● Дўстнинг васли кўрар кўзларга роҳат беради, чунки ошиқ маъшуқага яқин бўлмаса роҳат топмайди ва шод бўлмайди.

● Агар дўстим кўп бўлсин десанг, ҳеч кимга душманлик қилма, ўзингга ортиқ оро берма, мақтанма ва ўзингни бировдан ортиқ санама!

● Дўстлар яхшироғи ҳар вақт ҳамдамларни ўз шафқати соясида тутар ва карам эшигини улар юзига очиб қўяр, тилакларини ва ҳожатларини юзага чиқарар.

● Оқил киши донога, олижаноб, ростгўй ва хушхўйга дўст бўлур, хиёнаткор ва фосиқдан қочар.

● Дўст кишини бир йилда ҳам топиш осон эмас, аммо уни бир лаҳзада йўқотиб қўйиш мумкин.

**Икки лаб бир бўлса,**
**ҳаттоки нафас,**
**Улар орасидан осон ўтолмас.**
**Кўздек бир-бирингга бўлма**
**тескари,**
**Лаблардек иттифоқ бўлгил**
**асари.**

Форобий ҳикматлари:

● Инсон яхши тарбия кўрмаган ва турмушда тажриба орттирмаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмайди ва улардан жирканади. Бундай нарсалар унга ноўрин кўринади. У билим ва тажрибага эга бўлгандан сўнг фикри ўзгаради, ноўрин бўлиб кўринган нарсалар зарурий бўлиб чиқади.

● Очкўзлик билан мақсадга интилгувчиларнинг иши ҳамиша ғаразли бўлади, фақат ўзларинигина ўйлайди.

● Инсоннинг хайрли ва гўзал ишлари учун хизмат қилувчи руҳий ҳислатлари яхши фазилатдир.

● Яхшилик қилиш ҳурмат-эҳтиромли бўлиш, лаззатланиш, саодатли бўлиш йўлида қилинадиган ишларни амалга оширишдаги энг яхши усуллардан биридир.

● Хоҳ шаҳарни бошқаришда бўлсин, хоҳ уй қуришда бўлсин, яъни ҳар бир соҳада мулоҳазали одам учун энг муҳими тўғри, фозилона фикр юритишдир. Токи бирон қийинчиликка учраганда уни бартараф этувчи тўғри йўл топа олсин.

● Халқ ақлли кишиларни доно деб атайди, чунки улар инсонларга керакли нарсаларни ўйлаб топадилар.

● Инсон туғилганда камолотли бўлиб туғилмайди, уларнинг орасида аслида фарқ ҳам бўлмайди, хулқи, фаолияти, ҳаёти ўхшаш бўлади. Булар кейинчалик ўзгаради, яъни жамиятда одамлар орасида ўса бошлагандан кейин шаклланади.

ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

Йигит ҳикояни бошлади:

Қадимда бир шоҳ бўлган экан. У овга ўта ишқибоз экан. Унинг бир лочини бор эди. Чунончи ҳар бир парвоз қилганда осмондаги семурғни ҳам пастга олиб тушарди. Шоҳ лочинини ниҳоятда яхши кўрарди.

Иттифоқо, бир куни шоҳ овга борганда қаршисидан бир кийик чиқиб қолди. Шоҳ кийик орқасидан қувлаб, изини йўқотди ва аскарларидан ажралиб қолди. Аскарлари уни қидириб тополмадилар. Шоҳга ташналик ғолиб келди. Хизматкор йўқ эди. Отининг эгарига осиб қўйилган жом бор эди. Шоҳ эса бирор сувлик булоқни ёки бирор соялик дарахтни учратиш умидида у ёқдан-бу ёққа от солярди. Узоқдан кўзига дарахт кўринди. Шоҳ ўша томонга от чоптирди ва дарахт ёнига келгач, ўзини дарахт соясига олди. Ўша дарахтга илон чиқиб олган эди. Шоҳни кўриши билан оғзидан заҳар тома бошлади. Шоҳ азбаройи ташналикнинг зўридан буни ҳавонинг нами бўлса керак деб, ўйлади. Жомни арқондан ечиб ухлаб ётган ҳолда кўрди. Посбон кўрдики, биродарининг аҳволи подшоҳ айтган хиёнатга монеълик қиларди. Посбон орқасига қайтди. Подшоҳ ундан сўради: «Нима қилдинг?»

«Подшоҳнинг ҳукмига мувофиқ биродаримнинг бошини олмоқчи бўлдим. Бироқ бир ҳикоят эсимга тушиб, қайтиб келдим. Токи жаноб олийнинг диққат-эътиборларига ҳавола қилгайман», деб жавоб берди посбон. «У қандай ҳикоя?» сўради подшоҳ.

«Ҳинд китобларидан бирида келтирилгандирки, забардаст ва музаффар бир подшоҳ бор экан. Кўп муддатлардан буён фарзанд кўриш орзусида экан. Оллоҳ унинг муродини берибди. Латиф суратли, покиза талъат, пешонасида улуғворлик намоён фарзанд кўрибди. Унинг хатти-ҳаракатидан хуш аҳлоқлик зоҳир эди. Подшоҳ ўғлининг тақдири учун қайғуриб, унинг тарбияси учун соғлом танли, тўғри кўнгилли ва яхши хулқли доялар тайинлади.

Подшоҳнинг латчаси бор эди. Подшоҳ доим у билан ўйнашарди. Латча доим подшоҳ ўғлининг бешиги олдида турарди.

**Муҳаммад Авфий**

# Жавомиъ ул-ҳикоёт

олиб дарахт остига қўйди. Жом заҳар билан тўлди. Шоҳ жомни симирмоқчи бўлган эди, лочин қанот қоқиб шоҳнинг қўлидан жомни тушириб юборди. Шоҳ ранжиб, ғамгин бўлди. Жомни яна дарахт остига қўйди. Илон заҳар сочарди ва жомга томарди. Шоҳ жомни ичмоқчи бўлган эди, лочин яна қаноти билан уриб жомни тўкиб юборди. Шоҳ ташналикка чидолмай, дарғазаб бўлиб, лочинни кўтариб ерга урди ва ўлдирди. Шу пайт шоҳнинг хизматкори етиб келди ва шоҳнинг хизматига қойим бўлди. Аммо лочинни ўлик ва шоҳни ташна ҳолда топди. Дарҳол жомни тозалаб ювиб, тоза сув қуйиб шоҳга тутди.

«Лочиннинг ўлишига сабаб нимадир?» деб сўради хизматкор. «Мен ташна бўлиб ғоятда бетоқат эдим. Ҳаво рутубатидан вужудга келган сувдан бир оз олиб, ичмоқни ихтиёр қилган эдим, лочин қанотини қоқиб жомни тўкиб юборди. Иккинчи марта яна шундай ҳаракат қилиб, сувни тўкиб юборди. Ғазаб ўти миямга урди. Лочинни ерга урдим ва ўлдирдим», деди шоҳ.

Хизматкор дарахт тепасига қараб илонни кўрди. Илон бошини ерга осилтириб заҳар сочарди. Хизматкор шоҳга деди: «Лочинни бегуноҳ ўлдирибсиз. Яхшилаб текшириб кўрмасдан туриб, шундай азиз жониворни бежон қилибсиз. Қаранг! Лочин сизни қандай балодан қутқариб қолганини кўринг Сиз кўрган сув ҳаво рутубатидан вужудга келган сув эмас, балки заҳри қотил экан...»

Шоҳ илонни кўргач, лочиннинг ўлимига кўп қайғурди. Шошқалоқлик билан лочинни ўлдирганига кўп пушаймон бўлди, лекин пушаймондан фойда йўқ эди.

Ўз биродаримнинг бошини олсам ва эртага шоҳ ўз қилмишидан пушаймон бўлса, у ҳолда афсусланишнинг фойдаси бўлмайди, деган андишага бордим.

Подшоҳ индамади. Посбоннинг вақти тугаб, ўрнига бошқаси келди. Подшоҳ унга буюрди: «Фармоним шулки, бориб фалон биродарингнинг бошини танидан жудо қилиб келгин. Кимки шоҳлар ҳарамига хиёнат қилсаю ва лекин жазоланмаса, унинг оқибати бутун мамлакатга зарар етказади».

Посбон таъзим қилди ва биродарининг уйига борди. Уни

Кунлардан бир кун уйнинг шифтидан катта бир илон пастга тушди ва гўдак ётган бешикка қараб юрди. Бу пайт доя боланинг олдида йўқ эди. Илон болага заҳар солмоқ қасдида бешик томон юра бошлаган эди, латча илонга ҳужум қилди. Кўп ҳаракатлардан сўнг илонни ўлдирди ва бешикнинг остига ташлади. Доя келгач, латчанинг оғзи қон эканини кўрди, аммо нима учун қон эканлигини текшириб кўрмасдан, болани латча еб қўйибди, деган хаёлга бориб, дарҳол подшоҳнинг ҳузурига чопди. «Латча ўғлингни еб қўйибди», деди.

Подшоҳга фарзанд доғи устун келиб, аниғини билмай туриб, гурзи билан латчанинг бошига урди ва уни ўлдирди. Шундан сўнг, бешик олдига келиб, фарзандини саломат топди. Бешик остини қараб, катта илон ўлигини кўрдилар. Шундан сўнг билдиларки, бу илонни латча ўлдирган экан.

Подшоҳ латчанинг ўлимига жуда кўп қайғурди, аммо фойдаси бўлмади. Зотан шоҳ ҳам латчани ўлдирган подшоҳ каби эртага пушаймон бўлиб ўтирмасин», деди посбон.

Шоҳ бу сўзни эшитгач, гуноҳкор посбонни чақириб келишга буюрди. Гуноҳкор посбон ҳозир бўлди. Шоҳ унга деди: «Ўтган кечаси сен бизнинг ётоқдан чиқиб келаётган эдинг. Сен подшоҳларнинг рашки худди оташдек бўлиб, озгина шамол турса аланга олишини ва бу алангани минглаб челак сув билан ўчириб бўлмаслигини билмасмидинг?»

«Шоҳ менинг иффат ва покдомонлигимни балодан нарироқ ва тухматдан ташқари тутсин. У билан бирга бўлмоқ хато экан. Хукмдорнинг ўз мухлислари ҳақидаги гумони янглишдир. Агар шоҳ бу борада далил-исбот талаб қилса, тахт остини кўрсин, токи банданинг иффати ва сидқидиллиги унга аён бўлгусидир», деди посбон.

Шундан сўнг, шоҳ тахтининг остига қараб, илонни кўргач, у содиқ хизматкорни ўлдирмаганига Худойи таолога бениҳоя шукрлар қилди. Унинг биродарлари қилган насиҳатлари учун уларга таҳсинлар ўқиди. Ҳаммаларига инъомлар берди.

Шундан сўнг, ҳеч бир ишда шитобкорлик қилмади ва давлат бошқариш ишларида сабр ва матонат билан иш тутди.

**(Давоми бор).**

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# Шаклли бошқотирма




**Энига:** 4. «Келинлар қўзғолони» асари қаҳрамонларидан бири. 6. Сувда сузиш мосламаси. 11. «Дўст»нинг маънодоши. 13. Айлананинг икки нуқтасини туташтирувчи кема. 15. Атрофи сув билан ўралган қуруқлик. 19. Тропик иқлим минтақаларида етиштириладиган мева. 21. Америка киноижодкорлари мукофоти. 26. Чолғу асбоби. 28. Товуқ ини. 30. Секин, охиста. 34. Зардуштийлик динида қуёш худоси. 36. Йирик ҳажмли насрий асар.

**Бўйига:** 1. Қишда кийиладиган пойабзал. 2. Асалхўр ҳайвон. 8. Чингизхон қўшинидаги махсус қисм. 9. Ўзбек автомобили русуми. 10. Иззат Султоннинг «Иймон» драмаси қаҳрамонларидан бири. 16. Баъзи мамлакатларда парламентнинг юқори палатаси. 17. Транспортлар тўхтайдиган махсус жой. 23. Донли экин. 24. Билим манбаи. 25. Тўғри бурчакли учбурчак томони. 31. Кичик ҳарбий бўлинма. 32. Перу давлатининг пойтахти.

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 3. Мумтоз шоир. 5. Марказий Осиёдаги чўл. 7. Афғонистондаги шаҳар. 12. Панд-насиҳат мазмунидаги «Қобуснома» асари муаллифи. 14. Тошкентдаги XVI асрга оид мадраса. 18. Ўсимликларни ўрганувчи фан. 20. Андижон вилоятидаги туман. 22. Олий лига футбол жамоаси. 27. Мусиқий асар ижодкори. 29. Республика, давлат. 33. Олти мақом мажмуи. 35. Узун стволли ўқотар қурол. 37. Аъло навли миллий газлама.

**Тузувчи Азизжон ЭРМАТОВ**

### Газетанинг шу йил 17 май сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:

1. Ирисметов. 2. Взвод. 3. Динор. 4. Ровон. 5. Никоҳ. 6. Ҳакам. 7. Майор. 8. Ротор. 9. Рация. 10. Янтоқ. 11. Қуроқ. 12. Қилич. 13. Чилон. 14. Нўхта. 15. Арбоб. 16. «Бобурнома». 17. Арифмометр. 18. Роҳат. 19. Тайга. 21. Туроқ. 22. Қамар. 23. Рўвак. 24. Косиб. 25. Бадал. 26. Лимит. 27. Тарих. 28. Хатиб. 29. Банан. 30. Нишон. 31. Низом. 32. Махтумқули.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Қиёқ. 2. Этил. 3. Гиёҳ. 4. Ин.
**Ҳикмат.** Тилингни эҳтиёт қил.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-410. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 12.30 1 2 3 4 5 6

